2003 YIL 2 DEKABR, SESHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№146 (6.671). Sotuvda erkin narxda

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,

**қарор қиламан:**

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин:

а) биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;

г) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;

д) мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар;

е) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - тўртдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - бешдан бир қисмига.

7. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Фармон - ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга, шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Фармоннинг 1-3, 5,6-моддалари - экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан.

8. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 1 декабрь

### КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

**● Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлашга ва асосий қоидалари бажарилишига бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.**

**● Республикамиз пойтахти ва барча вилоятларда сайёрамизда ОИТСнинг тарқалиши муаммосига кенг жамоатчилик, биринчи навбатда ёшларнинг эътиборини жалб қилишга қаратилган кўплаб ахборот-маърифий тадбирлар, танловлар, викториналар бўлиб ўтди. Улар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, халқаро ва республика ноҳукумат ташкилотлари томонидан ОИТСга қарши кураш халқаро кунига атаб ўтказилди.**

**● «Туркистон» саройида «Ўзбекистон - умумий уйимиз» дўстлик ва маданият фестивали ғолиблари иштирокида гала-концерт бўлиб ўтди. У Республика Байналмилал маданият маркази ва Маданият ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.**

**● Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб ташкил этилган хайрия концерти бўлиб ўтди.**

**● «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Ўзбек маданияти» мавзуида очилган навбатдаги фестивал якунланди.**

**● Тошкент Фото уйида пойтахт ҳокимлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Халқаро бизнес маркази, «Hewlett-Packard компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўзбекистонга муҳаббат билан» кўрик танловининг ғолиблари эълон қилинди.**

**● Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Меҳржон-2003» хайрия фестиваль-марафони бўлиб ўтди. У «Меҳржон» шафеълик кенгаши томонидан ташкил этилди. Мазкур анъанавий марафон «Меҳр кўрсат!» шиори остида ўтказилди. Унда меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб интернатлар тарбияланувчилари, катта авлод вакиллари иштирок этди.**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 1 декабр куни Оқсаройда Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Тлеухан Кабдрахманов Ишонч ёрлиғи топширди.***

Ислом Каримов элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланиши билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Икки мамлакат МДҲ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби минтақавий ҳамда кўплаб халқаро тузилмалар доирасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентнинг Қозоғистон элчиси билан суҳбатида савдо, сармоя, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик саноати йўналишлари бўйича икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

***

Президент Ислом Каримов шу куни Вьетнам Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Фам Зуй Шондан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Мамлакатларимиз оралиғидаги масофа нисбатан узоқлигига қарамай, Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасида ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд. Элчи, хусусан, иқтисодиёт, маданият ҳамда сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ниятида эканлигини таъкидлади.

Ислом Каримов вьетнамлик дипломатга янги бошлаётган миссиясида муваффақият тилади.

Вьетнам элчиси мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

***

Шунингдек, Ўзбекистон Президентига Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Гао Юйшен Ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи билан суҳбат чоғида Ислом Каримов Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш имкониятлари кўплигини, уларни тўлиқ ишга солиш икки мамлакат учун ҳам фойдали бўлишини таъкидлади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бўйича ҳамкоримиз бўлган Хитой элчиси икки томонлама ҳамкорлик, айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ишига ҳисса қўшишни ўзи учун бош мақсад сифатида белгиланганини, Ўзбекистондаги миссиясини эса ўзи учун шараф, деб билишини айтди.

Ислом Каримов элчига муваффақият тилар экан, ўзаро муносабатлар бундан буён ҳам ривожланиб бораверишига ишонч билдирди.

***

Президент Ислом Каримов Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Фатҳалидан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Эрон Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалаларига эътиборини кучайтирмоқда. Мамлакатларимизда эса биргаликда ишга солиниши мумкин бўлган имкониятлар талайгина.

Ўзбекистон ва Эрон айниқса транспорт коммуникациялари соҳасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борадаги алоқалар нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама асосда ҳам ривожланяпти. Мамлакатларимиз биргаликда Афғонистон транспорт тизимини тиклаш ва такомиллаштиришга катта ҳисса қўшяпти.

Суҳбат чоғида ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

**(ЎзА)**

## ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

***Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармони ҳамда ҳукуматнинг мазкур ҳужжат асосида қабул қилган қарорининг ижроси, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 5 ноябрдаги «Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлашга оид масалаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Унда алоқадор вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари ҳамда иқтисодий масалалари бўйича ўринбосарлари, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вилоятлар вакиллиги директорлари, айрим туманлар ҳокимлари ва фермер хўжаликларининг бошлиқлари иштирок этди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари Р.Азимов бошқарди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков сўзга чиқиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи - қишлоқ хўжалигида Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ислоҳотларни янада жадаллаштириш жараёни босқичма-босқич амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу борада, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги фармони соҳада янги муносабатларни бошлаб бермоқда.

(Давоми 2-бетда)



**Маҳалла – тарбия маскани, тотувлик бешигидир. Шу боис юртимизда одамлар маҳалла раислигига инсофу диёнатли, билимдон кишиларни сайлашмоқда. Мирзачўл туманидаги "Ержар" маҳалласида ҳам тиниб тинчимаслиги, ширинсуханлиги билан эл кўнглидан жой олган Тўрақул Сарибоев оқсоқолликка лойиқ кўрилди.**

**СУРАТДА: маҳалла оқсоқоли Тўрақул Сарибоев.**

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

**ИСЛОМ КАРИМОВ:**

## ҲАР БИР ИНСОН БУНЁДКОР БЎЛМОҒИ КЕРАК

***Мустақиллик йилларида Ўзбекистон улкан қурилишлар мамлакатига айланди. Иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётимизда кечаётган ҳар бир янгиланиш бунёдкорлик ишларига бевосита боғлиқ.***

Истиқлолнинг илк йиллариданоқ улуғ боболаримиз маданий меросини қайта тиклашга, уларнинг муқаддас қадамжоларини ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратган Юртбошимиз ташаббуси билан Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк алломаларимиз мангу қўним топган масканлар янгича қиёфа касб этди.

Тиббиёт соҳасида амалга оширилган туб ислоҳотлар сабаб мамлакатимизнинг аксарият қишлоқларида замонавий врачлик пунктлари барпо этилди. Жаҳон тиббиётидаги мутлақо янги тизим сифатида шаклланган тез тиббий ёрдам марказлари хизматидан халқимиз миннатдор. Бугун минглаб йигит-қизлар таълим-тарбия олаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари эса таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда яна бир улкан бунёдкорлик ҳаракатини бошлаб берди. Бугун шаҳар ва қишлоқларимизда спорт мажмуалари, стадионлар, теннис кортлари, кураш заллари бунёд этилмоқда.

Аслида ҳар бир инсон бунёдкор бўлмоғи керак, дея лутф қилди Юртбошимиз Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги муносабати билан алломанинг мақбара-мажмуида амалга оширилган ишлар билан танишар экан. Оллоҳ инсонни бунёдкор этиб яратган. Унинг дунёга келиши - бир бунёдкорликдир. Ота-она, мураббийлар, миллатнинг етук алломалари инсон онгининг меъморлари саналади. Тиббиёт ходимлари саломатлигимиз посбонларидир. Биз хайрли ишларимиз билан яхши ном бунёд этамиз. Демак, бунёдкорлик инсоннинг эзгу амалидир.

27 ноябрь куни мамлакатимиз раҳбари Ғиждувоний хиёбонида, шундоққина мақбара қаршисида қад ростлаган беш юз ўринли спорт саройининг очилишида иштирок этди.

Муҳташам спорт саройига кириб борган Президентимизни спорт билан шуғулланаётган болалар кутиб олди. Курашчи болакайлар, гимнастикачи қизалоқлар Юртбошимиз бағрига талпинди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган ишларни кўздан кечирди. Бу улкан иншоотда яратилган шароит билан қизиқди. Унинг қишда қандай иситилиши, ёзнинг жазирамасида қай йўсинда совитилиши ҳам давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда қолмади.

...Бу муҳташам спорт саройи қурилиши бошланганига кўп бўлгани йўқ. Йирик иншоотлар қуришда катта тажриба тўплаган «20-трест» ҳиссадорлик жамияти ҳамда «Бухорогазсаноатқурилиш» бирлашмаси бунёдкорлари бинони мамлакатимиздаги энг гўзал спорт кошоналаридан бирига айлантириш мақсадида ғайрат билан ишлади.

Мажмуанинг биринчи қаватида мусобақалар ўтказиш зали бор. Иккинчи қаватдаги хоналарда эса болалар бокс, кураш, стол тенниси, гимнастика, шахмат-шашка каби спорт турлари билан шуғулланади.

Ғиждувон аҳолисининг ярмидан кўпроғини ёшлар, болалар ташкил этади. Шундай экан, шаҳарда бундай спорт саройлари янада кўпайиши лозим, деди Юртбошимиз. Чунки спорт инсонни наинки жисмонан, балки руҳан ҳам тетик, бардам қилади. Бошқача айтганда, инсоннинг бунёдкорлик салоҳиятининг такомиллашувига ёрдам беради.

Ушбу спорт саройи фойдаланишга топширилгач, уч минг нафардан зиёд ўғил-қиз спорт билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўлди.

**Воҳид ЛУҚМОН,**
**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбирлари.**

Сиз «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144

**ОГОҲЛИК**

## УРУШДАН ҲАМ ДАҲШАТЛИ

***Қишлоқда Б. исмли йигитнинг ОИТС билан касалланганлиги ҳақида миш-миш тарқалди. Уни ҳатто вилоят касалхонасида кўрганлар ҳам бор экан.***

-Ҳали уйланмаган йигит-а... Ўзи енгилтабиатроқ эдида, энди жабрини тортаяпти...

-Иложи борича ундан узоқроқ юриш керак!.. Тавба, ота-онаси қаерга қаради экан, ўғлига кўз-қулоқ бўлмай?!

Хуллас, шу сингари узун-қулоқ гап-сўзлар йигитнинг ҳам қулоғига етиб борди. Дардини ҳатто ўз ота-онасидан-да яширган йигит бутун қишлоқ унинг касаллигидан қандай хабар топганига тааж-жубда эди.

(Давоми 2-бетда)

**КЕНГАШ**

## МУАММОЛАР ЕЧИМИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

***Президентимизнинг шу йил 24 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Фармони тизимга катта ўзгаришлар олиб кирди.***

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибида олтита Кенгаш ташкил топди. Муаммолар дастлаб ана шу кенгашларда атрофлича ўрганилиб, таклиф ва мулоҳаза, ечимлари айтилиб, сўнг ҳайъатда кўриладиган бўлди. Бу ўзгариш дастлаб баъзиларда, шакл ўзгаргани билан моҳият қолаверади-да, қабилидаги ишончсизлик уйғотгани ҳам бор гап. Аммо... Вазирликдаги бу галги йиғилишда ислоҳот нафаси шундоққина сезилиб турди.

-Бу йил зараркунанда ва касалликлар пахтачиликка жуда катта зарар келтирди, - деди Ўзбекистон Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори Мурод Рашидов. – Август ойида республикамиз бўйича 103,7 гектар кузги тунлам, 393,6 минг гектарда шира-трипс, 228,3 минг гектарда ўргимчаккана ва 353 минг 900 гектар ерда кўсак қурти ғўзаларга қирон келтирди. Мутахассислар 2002 йилнинг декабр ойидаёқ ҳар бир вилоят бўйича зараркунандалар хавфи бўйича башоратларни айтган. Аммо, бу огоҳлантиришга кўпчилик, хусусан, Фарғона водийси вилоятларида етарлича эътибор берилмади. Оқибат Фарғона водийсида 53000 гектар, Андижонда 46800 гектар, Жиззахда 36100 гектар, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида 30-31 минг гектар ердаги пахтазорда кўсак қурти кўпайиб кетди. Оқибат жуда катта миқдордаги ҳосил бой берилди. Зарар бир неча ўн миллиард сўмдан ошди.

-Таажжуб, ўзингиз баҳору ёз бўйи Фарғонада, мутахассисларингиз Андижону Наманганда бўлди. Зараркунандалардан энг кўп зарар кўрган жой тағин шу вилоятлар. Сафарингиз самарасиз кетганидан хижолат чекмаяпсизми?

Нотиқ бу саволга жўяли жавоб беролмади. Барча айбни жойлардаги мутахассисларга, раҳбарларга ағдаришдан нарига ўтолмади.

(Давоми 3-бетда)

**ИНСОН ЎЗИНГ...**

## ТАЪЗИРИНИ ЕГАН "ҲОЖИ"

***У нуронийсифат, ёзда устига оқ яктак-лозим, бошига оқ дўппи кийиб юрадиган фарғоналик отахон. Қўлидаги тасбеҳи, лабини пичирлатиб дуо ўқиб юришларини кўриб, яқинда ҳаждан келганми, дейсиз. Аммо унинг битта хурмача қилиғи бор.***

Яъни иқтисодий бақувват идора-ташкилотларга кириб бориб, аввал у ерда ишловчилардан бошлиқ ва муовинларнинг қаердан эканликларини суриштиради. Кейин "Олим ҳожи акангиз бўламан", дея тўғри раҳбарнинг, у бўлмаса ўринбосарининг олдига кириб боради. Сўнгра шундай бир қолипдаги гаплар бўлиб ўтади.

(Давоми 4-бетда)

**ФАХР**

## БАХТНИНГ ЧЕГАРАСИ

***Бахт чегара билмайди, деганлар минг бор ҳақ. Негаки, инсон ҳамиша бахт оғушида яшагиси, унинг лаззатидан баҳра топгиси келади. Инсон бу ёруғ оламни жисмонан тарк этганидан кейинги умрбоқийлик эса, энг катта саодат. Агар таъбир жоиз бўлса, икки дунё саодати. Не тонгки, у туғилиб-ўсган шаҳарда айнан унинг шарафига катта бундёкорлик ишлари бошлаб юборилса...***

Башарият тараққиёти, инсоннинг маънавий баркамоллиги, руҳий камолотига улкан ҳисса қўшган буюк зот – Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг муборак 900 йиллиги муносабати билан Бухоро заминида катта тантаналар бўлиб ўтди. Президентимиз Ислом Каримов Ғиждувондаги, шунингдек, Абдулхолиқ Ғиждувоний йўлини изчил давом эттирган яна бир зоти шариф – Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси меъморий мажмуида бўлиб, амалга оширилган тарихий ишлар билан танишди, халқ вакиллари билан учрашди.

Қатнашчилар яна бир карра улуғ боболаримиз, хусусан, Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг инсоният маънавий равнақига қўшган улкан ҳиссаси хусусида мушоҳада-мулоҳаза қилиб кўрди.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний айнан Марказий Осиёда тасаввуф таълимотининг чуқур илдиз отиши, кенг ёйилиши, халқчил ва дунёвий ҳаёт йўли, амалий фалсафага айланишига улкан ҳисса қўшган улуғ авлиё зотлар сирасига киради.

Ватанимизда инсонни комилликка даъват ва тарғиб этган тасаввуф ғояларининг кенг ёйилишида хизмат қилган улуғ зотлар қаторида айнан шу кишининг муқаддас номи ҳам бор. Юсуф Ҳамадонийнинг икки муриди Марказий Осиёда тасаввуфнинг икки мустақил йўлини бошлаб берди. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний – хожагон, Хожа Аҳмад Яссавий – яссавия тариқатига асос солди.

(Давоми 4-бетда)

**КЕЛГУСИ СОНДА:** АЁЛ, БАХТ ВА... ЭРКАКЛАР | ҚИШЛОВ - СИНОВ | МЕҲР -ОҚИБАТ

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## ҚОР ОСТИДАГИ... МАШИНА

***Чуст туманининг Олмос қишлоғида Қудратжон деган дўстимиз бор. Талабалик йиллари танишганмиз. Ўшанда у бир воқеани сўзлаб берганди...***

Қудратжоннинг амакиси Собитали 1982 йилда Тошкент вилоятига бориб деҳқончилик қилган пайтлари 1 гектар ерга кузги картошка экибди. Ҳосил пишгунига қадар Собитали тиним билмабди. Ҳали ўғит солган, ҳали суғорган, трактори билан ишлов берган... Маҳаллий аҳоли ҳайрон. "Арзимас картошка оламан, деб шунчалик ҳам ишлайдими, одам. Экдинг, суғординг, ўғит солдинг, бўлди-да. Нима, картошканг пишмай қоладими?" дейишибди. Собитали эса бу гапларга парво қилмасмиш...

Ҳаммасидан қизиғи кейин бошланибди. Октябр охирларида картошка пишиб, энди йиғиштирамиз, деб туришганида тўсатдан қор ёғиб берса бўладими! Бир-икки кун ўтса ҳам ҳеч тинай демасмиш. Қорнинг қалинлиги нақ тиззага етибди. Собитали чайласидан чиқмай қорнинг эришини кутибди. Бир ҳафта, икки ҳафта ўтибди, лекин қор эримабди. Охири тоқати тоқ бўлиб, 15 кун деганда ҳосилдан умидини узиб, "қайдасан, Олмос!" деб шартта жўнаворибди...

-Қор остида қолиб кетган картошкалар кейинчалик чириб, йўқ бўлиб кетган бўлса керак, ҳойнаҳой, - дўстимга юзланаман.

-Э. нималар деяпсиз, ошна, - дейди у кулиб, - амаким жўнаворгандан кейин об-ҳаво юришиб, кунлар илий бошлабди. Ўша ерда яшовчи бир киши қизиқиб, картошкаларни секин-аста ковлай бошлабди. Қараса, ҳаммаси бус-бутун, совуқ урмаган экан. Ўша одам кейинчалик ана шу картошкаларни сотиб, машинали бўлиб олибди...

-Ол-а!

-Бу воқеадан амаким ҳам хабар топибди, - сўзига якун ясайди Қудратжон, - лекин тақдирга тан бериб қўл силтаб қўя қолибди...

**Бахтиёр ТУРДАЛИЕВ**

## КЎНГИЛ НЕНИ ДЕМАЙДИ

***Қўшни маҳалладаги Ҳамидулла дўстим Тошкент тарафдаги бир санаторийда дам олиб қайтди. Биз бир гуруҳ жўралар тўпланишиб, уни эсон-омон келганлигини "ювгани" бордик...***

Ҳамидулла бизни қувонч билан кутиб олди.

-Оббо, азаматлар-ей, яхши юрибсизларми ишқилиб? – дея сўраб-суриштирарди у ўғилчаси келтирган конфет тўла тақсимчани дастурхонга қўяётиб. – Аммо бир мазза қилдик-да. Гўзал, хушҳаво жой экан. Нафақат дори-дармон, балки овқатлари ҳам шифобахш. Юрган эканмиз-да бу ерда қора меҳнатнинг тагида. Одам деган дам олиб туриши керак экан.

Бир пайт Ҳамидулла эсига бир нима тушгандай менга қараб:

-Айтганча, сенинг раҳбаринг ҳам биз билан бирга дам олди. Кароматхон Исаева деган аёл экан, - деди.

У менинг ҳайрон бўлиб нима дейишимни билмай турганимни кўргач: "Нима, ундай аёл сизларда ишламайдими, ё?", деди бироз ҳайратланиб.

-Ишлайди. Аммо раҳбар бўлиб эмас, - дедим мен.

Даврадагилар бизнинг гапимизга эътибор беришмади. Ўзаро гурунг қизий бошлаганди. Ҳамидулла эса жавобимдан бироз ажабланиб турди-да, сўнг гапни бошқа мавзуга бурди. Бироқ Каромат Исаеванинг бизга "раҳбар"лиги ҳақидаги гапи миямда ўрнашиб қолганди. Хаёлимда бир вақтлар бўлиб ўтган воқеалар қайта гавдалана бошлади...

Каромат корхонамизга бундан ўттиз йилларча бурун оддий ходим бўлиб ишга кирганди. 5-6 йил ўтгач, уни бўлимга бошлиқ қилиб қўйишди. Ана шундан кейин уни бошқа юқорироқ лавозимга кўтариш ҳақида ҳеч бир таклиф бўлмади. Бу анчайин иззатталаб, мансаб курсиларига интилувчи Кароматнинг аламини келтирар, баъзида жаҳлини чиқарарди. Эсимда бор, у бир йили юқори ташкилот раҳбарининг олдига бориб, "мени нега бошлиққа ўринбосар қилиб қўймайсизлар?", деб жанжал кўтарган. Ишга олиб келган идора бошлиғини аяб ўтирмай, устидан ёзган...

Эҳ-ҳе, у кўрсатган "каромат"ларнинг ўзи бир достон. Бирон бир лавозимга илиниб қолиш илинжида ўзига шериклар топиб, корхона раҳбари устидан бир нечталаб шикоятлар уюштирди. Натижа бўлмади. Аламзада қўлларда битилган думалоқ хатлар тасдиқланмай қолаверди. Пешонага ёзилмаса қийин экан. Ниятига етолмади...

Кўнгил экан. Кароматхон айни пайтда ҳам бўлим бошлиғи бўлиб ишлаётган бўлса-да, ўзини каттакон раҳбарлардай тутади. Бирон жойга хизмат сафарига борса, гўё корхона бошлиғидай савол-жавоб қилади. Билган ичида кулади, билмаган ишонади. Қаранг, бечора Ҳамидуллани ҳам ишонтирган, раҳбарман, деб.

**Аҳмаджон РАҲИМОВ**

## ЖАЗО

***Тўй оши тарқатилаётганда даҳлизда турган ёшяланглар бирдан ўринларидан туриб қўлларини кўксига қўйдилар.***

Анча вақт қишлоқ оқсоқоли бўлган, энди эса қарилик гаштини сураётган, қишлоқда етти ёшдан етмиш ёшгача унга тавозеда бўлган Маматқул ота салобат билан тўйхонага кириб келганди.

Маматқул ота ичкарига кириб кетгач, шу ерда турган Холиқ лақма сўраб қолди:

-Ота ҳалиям тетик-а?.. Эшитишимча, уйи ёнидан яна қўшимча уй солаяпти экан. Катта ўғли "Яна икки ойлик иш бор, кейин иморат ҳам битади", деганди. Ҳавас қиламан-да, олти ўғли уй-жойли. Хонадонига борсанг ҳашаматдан кўзинг қувнайди...

Аммо атрофдагилар жим турарди. Ахийри Назир исмли йигит:

-Э-э, одамига ҳавас қилибсан-да... Эрта баҳорда қишлоқ қабристонидаги қарасанг, дўппинг бошингдан тушадиган теракларнинг бир кечада кесиб олиб кетилгани эсингдами? Мана шу Маматқул ҳозир янги уйини шунинг ҳисобидан қуряпти.

Холиқ лақманинг кўзлари пир-пир учиб, анграйиб қолди. Нодирни эса ёнидаги киши жим бўл, деб туртди...

Маматқул отанинг янги солган иморатини кўришга ҳавасмандлар ҳам йўқ эмасди. Айни пайтда "Ота қариганида ўзига ярашмаган иш қипти", дегувчилар ҳам топилди.

Кузнинг сўнгги изғирин аралаш кучли ёмғиридан сўнг ўзўзидан отанинг янги иморати қулаб тушгани ҳақидаги хабар бир зумда қишлоққа ёйилди.

Аксарият қабристон мулкини ўғирлаганнинг ҳоли шу, дерди. Айни пайтда Холиқ лақмага ўхшаганлар эса Маматқул отанинг "Уй солган уста нобоп чиқди-да", деганини ишонч билан уқтирардилар.

**Гулчеҳра БОБОБЕКОВА**

## ЖИҒИЛДОН ТАШВИШИ

***-Ишқилиб пулимизни беришарканми? – деди почта олдидаги дарахт соясида ўтирган отахонлардан бири шеригига. – Мен бу болани бундай деб ўйламагандим.***

-Ҳа, энди нимаям деймиз, нафс бало-да, - деди унга жавобан иккинчи отахон...

Гап шундаки, Аҳмадалининг қишлоқ почтасига почтачи бўлиши у учун жуда асқотди ўзиям. Ана шу даврда у сал бошқачароқ йўл тутди. Бошида ҳар бир нафақахўрнинг пулидан "хизмат ҳақи"ни олиб қолишни канда қилмасди. Кейинчалик баъзиларнинг нафақасини уч-тўрт ойлаб бермай, чўзиб юрадиган бўлди. Бу ҳол аста-секин одатга айланди.

У ишдан бўшагандан кейин ҳаммаси маълум бўлди.Бир қанча кишиларнинг пуллари йўқ чиқди. Аслида пуллар бор эди ва қаерга кетганлиги ҳам маълум. Фақат ундан эгалари бехабар, холос.

Айтишларича, Аҳмадалининг ана шундай ўзлаштирган қарзлари ярим миллионга яқин экан.

Хуллас, унинг пайтдан, вазиятдан фойдаланиб қолиши ўзига қимматга тушадиганга ўхшайди...

**Д.УЛУҒМУРОДОВ**

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Боши 1-бетда)

Мазкур ҳужжатга мувофиқ юртимиз аграр тармоғи ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларини ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Ҳозир юртимизда 85 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улар икки миллион гектардан зиёдроқ ерда деҳқончилик қиляпти. Ҳар бир фермерга ўртача 24,5 гектар ер тўғри келаётир.

Шуниси эътиборлики, сўнгги вақтларда фермер хўжаликлари асосан паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, истиқболсиз ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилаётгани ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Кейинги уч йил мобайнида 337 ана шундай ширкат тарқатилиб, улар ўрнида йигирма мингдан кўпроқ фермер хўжалиги ташкил этилди.

Бундай усулнинг энг қулай жиҳати шундаки, фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ягона тартибда ташкил этиш имкони туғилди. Бунинг натижасида фермер хўжаликларининг ривожланиши жадаллашмоқда. Масалан, жорий йилда Навбаҳор туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалиги ўрнида 47 фермер хўжалиги ташкил этилган эди. Уларнинг ҳар бири пахтанинг гектаридан ўртача 31 центнер, ғалладан 44 центнердан ҳосил олиб, йилни қарийб 45 миллион сўм соф фойда билан якунлаётир. Ваҳоланки, шу майдонларда деҳқончилик қилган ширкат аҳли ўтган 2002 йилни 27 миллион сўм зарар билан якунлаган эди.Бироқ ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида кўплаб хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Айрим жойларда фермер хўжалигига танлов тендерлари нотўғри ўтказилди. Ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик каби салбий ҳолатларга йўл қўйилди. Энг ачинарлиси, айрим ҳудудларда суғориладиган, мелиоратив ҳолати яхши ерлар ҳозирга қадар эгасини топмасдан қолиб кетмоқда.

Кўпгина ҳудудларда мавжуд тартиб-қоидаларга зид равишда, фермер хўжаликларини бошқариш учун турли шаклдаги корпорация ва уюшмалар ташкил этилиб, уларга собиқ хўжалик раҳбарлари бошлиқ этиб тайинланмоқда. Оқибатда фермер хўжаликларининг мустақил фаолият кўрсатишига яна сунъий тўсиқлар юзага келмоқда.

Йиғилишда фермерлик ҳаракатига доғ тушираётган фермер хўжалиги раҳбарлари учраётгани ҳам айтиб ўтилди. Улар тадбиркорлик билан иш юритмасдан, балки ердан мақсадсиз фойдаланиб, шартномасида кўрсатилган экинлар ўрнига «бозорбоп» экинларни экмоқда. Хусусан, Нишон туманидаги Муроджон фермер хўжалиги жорий йилда пахта тозалаш корхонаси билан 22,5 тонна хом ашё топшириш бўйича шартнома тузгани ҳолда бирор тонна ҳам пахта топширмаган.

Йиғилишда шундай фермерлар билан ер бериш тўғрисида тузилган шартномаларни қонуний равишда бекор қилиб, қайтариб олинган майдонни қайта танлов асосида муносиб номзодларга бериш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясига мувофиқ жорий йилда яна 284 та ширкат фермер хўжалигига айлантирилади. Шу боис жойлардаги мутасадди раҳбарлар бу жараённинг нақадар юксак масъулият талаб этишини инобатга олган ҳолда ҳукуматнинг тегишли қарорида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш, фермер хўжаликларини ташкил этишда ошкораликни таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор бериш кераклиги қайд этилди.

Шунингдек, йиғилишда, Вазирлар Маҳкамасининг номи зикр этилган қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар - ширкатлар ҳам, фермер хўжаликлари ҳам 2004 йил ҳосилидан бошлаб ерни давлат вакиллик органи - туман ҳокимлигидан шартнома асосида ижарага олиши кераклигига эътибор қаратилди. Ушбу тартибга кўра ижара шартномаси ҳар иккала субъект билан ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатдан эллик йилгача тузилади.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, алоқадор вазирлик ва ҳокимликлар раҳбарларига зарур топшириқлар берилди.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИ

***Бугун биз ҳуқуқий-демократик давлат қуришга интилмоқдамиз. Бунда фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва қонуннинг устуворлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлаш бош мезондир.***




Табиий, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, бу интилиш рўёга айланади. Шундан келиб чиқиб, давлатчилигимиз мустаҳкамланиб боргани сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита халққа топшириш, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аввало, мамлакатимизда маҳаллаларнинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқарув тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим органи сифатида тутган ўрни ва ролини ошириш биринчи галдаги вазифа этиб белгиланди. Бу билан боғлиқ бўлган масалаларни амалий ҳал этиш заруратини ҳисобга олган ҳолда "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши эълон қилинди (2002 йил 12 декабр). Комиссиянинг асосий вазифаси республикада сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларнинг изчил дастурини тайёрлаш эди.

Айни вақтда кўриниб турибдики, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва аҳамиятигина эмас, балки уларнинг олдида турган асосий вазифалар ҳам чуқур мушоҳада ва идрок этишни талаб қилмоқда. Бу вазифалар, тегишли ваколатлар ва бошқа бир қатор ҳуқуқлар "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги 1999 йил 14 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган қонунда тўла-тўкис белгилаб берилди.

Айтиш жоизки, амалдаги бу қонун "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан тўлдирилди.

Яна бир жиҳат. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида: "Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди..." деб белгиланган.

Ушбу моддага мувофиқ, мамлакатимизда жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўтказилиши белгиланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар айни пайтда қизғин паллага кирган. Бу жараёнда бўлажак сайловларни уюшқоқлик ва адолатли ўтказиш, бошқарув органларига муносиб раис (оқсоқол) ҳамда унинг маслаҳатчиларини сайлаш, йиғин раисларининг ўтган давр мобайнидаги фаолиятларини тўғри таҳлил этиб, холис баҳо бериш каби муҳим масалалар жамоатчилик диққат марказида турибди.

**Кувончбек ҚОДИРОВ,**
**ИИВ Академияси ўқитувчиси.**

# ШАРТНОМАНИ ЧЕТЛАБ БЎЛМАЙДИ

***Пахта йиғим-терими ҳам охирлаб, айни ғалвир сувдан кўтариладиган пайт ҳозир. Нене машаққатлар эвазига эл ризқига ўз улушини қўшган деҳқон энди сал хотиржам тортди. Меҳнатининг роҳатидан мамнун... Бунинг акси ўлароқ, шундай кимсалар ҳам бор эканки, улар мажбурият ва масъулиятни четлаб ўтиб, ҳаловатга интилиб келганлар. Оқибатда эса... барибир қонун олдида жавобгарликдан қочиб қутулолмасликларини англаб етдилар.***

**ТААССУФ**

Зафаробод тумани "Кожахмед" агрохизмат марказига қарашли "Парранда таъминот" шўъба корхонасида раис вазифасида ишлаб келган Қўчқор Сувонов ҳам ана шу тоифа кишиларидан эканлиги маълум бўлди. Туман прокуратураси томонидан текширув ўтказилганда аниқландики, "Парранда таъминот" шўъба корхонасида 2003 йил пахта ҳосили учун туман ҳокимининг 95-сонли қарорига асосан белгиланган режа бўйича 33 гектар майдонга пахта экилиши режалаштирилган бўлса-да, бор-йўғи 12 гектар ерга пахта экилган, холос. Қолган 21 гектар ер майдонининг 7 гектарига ҳеч нарса экилмай, бўш қолган, 13,96 гектар ерда эса Қ.Сувонов ўз манфаати учун кунгабоқар ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини эктириб, ердан белгиланган тартибда фойдаланиш шартларини қўпол равишда бузган. Натижада режалаштирилган 25,2 тонна пахта давлат хирмонига топширилмай қолди ва "Кожахмед" агрохизмат маркази ҳисобига 3326400 сўм миқдорида иқтисодий зарар етказилди.

Албатта, бу қонунбузарликни содир этган Қ.Сувонов қилмишига яраша жазога тортилди. Аммо бу ҳолат кишида ҳайрат ва таассуф уйғотади: бир парча ер олиш учун ҳоким эшигининг оғзида сарғайиб ўтирадиган ёхуд идорама-идора чопадиганлар бармоқ билан санагулик эмас. Улар ер қадрини, ер тафтини улуғлайдилар. Айни дамда белгиланган режа асосида ишни амалга оширадилар.

Қ.Сувонов сингари ерга хиёнат қилиб, эл ризқини қиядиганлар эса бошлари деворга теккандагина мажбуриятларини эслаб қолишса керак, эҳтимол...

**О.ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Зафаробод туман прокурори,**
**адлия маслаҳатчиси.**



**Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг харидоргирлиги ўз касбини пухта биладиган мутахассислар назоратига боғлиқ. "Жомбой дон маҳсулотлари" акционерлик жамиятининг технологи Жамилахон Сатторова буни яхши билади. Шу боис жорий йилда у корхона омборларига қабул қилинган 94 минг тонна донни қайта ишлаш жараёнида фаол иштирок этаяпти.**

**СУРАТДА: Жамилахон Сатторова.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

## СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

***Андижонда Фарғона водийсидаги олий ва ўрта-махсус билим юртлари француз тили ўқитувчиларининг икки кунлик семинари бўлиб ўтди.***

Семинар ўқитувчиларнинг Франция тўғрисидаги билимларини кенгайтиришга, француз халқининг демократия учун курашлар тарихининг муҳим саналари билан танишишга имкон берди.

**Туркистон-пресс**

**ЭҲТИЁТ-ШАРТ**

***Республикамизда Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан 20 ноябрдан 20 декабрга қадар "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда.***

Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида кенг кўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириб, ёнғинларнинг сонини камайтиришдан иборатдир. Агар кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қиладиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз ёки назар-писанд қилмаслигимиз оқибатида юзага келаётганининг гувоҳи бўламиз. Дейлик, кўпчилик фуқаролар уйларида газ ва электр тизимларини ўзлари билганича таъмирлаб, ўзларини ва мол-мулкларини хатарга қўймоқдалар. Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида, ва айниқса маҳаллаларда ҳам учратиш мумкин.

Масалан, дарслари тугаб, мактабдан қайтаётган болалар зич жойлашган гаражлар орасида йиғилиб қолган хазонбаргларни ёқиб юборадилар. Аста-секин ёнаётган олов бир

# ТИЛСИЗ ЁВНИНГ ЖИЛОВИ ҚЎЛИМИЗДА

неча дақиқада катта гулханга айланади. Буни кўрган ўқувчилар эса тезда жуфтакни ростлашади. Бахтга қарши, иккала гаражда ҳам автомашина бўлиб, улар буткул ёниб кетган.

Бундан ташқари, газ асбобларидан, носоз электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш оқибатида ҳам ёнғин сонлари кескин кўпайиб, баъзи жойларда ҳатто оғир асоратлар қолдирмоқда.

Баъзи бир беғамроқ бекаларимиз эса газ плитасида овқат қолдириб, ёнғин сабабчиси бўлмоқдалар.

Шу ўринда мисолларга мурожаат қилсак. Акмал Икромов тумани "Оқтепа" маҳалласида истиқомат қилаётган олти яшар Абдулахат гугурт ўйнаб нафақат ўзларининг, балки қўшни хонадонининг ҳам том қисми ва уй жиҳозларини 100 квадрат метр майдонини ёқиб, кулга айлантирган. "Чилонзор-17" маҳалласида жойлашган нонвойхонада эса қўлбола ясалган иситиш мосламасидан фойдаланиш оқибатида ёнғин содир бўлди. Оловни ўчириш вақтида ёнғин ўчирувчи жасур йигитларимиз олов ичидан 65 фоиз тан жароҳати олган Владимир Мясницкийни қутқариб олдилар. Ачинарлиси, унинг дўсти Владимир Булих олов қурбонига айланди. Статистик маълумотларга кўра, биргина Тошкент шаҳрида жорий йилнинг шу кунига қадар 1585 ёнғин содир бўлиб, 20 кишининг умри ушбу офат балоси туфайли завол бўлди ва 35 фуқаро ҳар хил турдаги тан жароҳати олди.

Ёнғир хавфсизлиги раҳбариятига юклатилган асосий вазифалар ҳам аҳолининг тинчлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳар томонлама хавфсизлигини таъминлашдир. Ёнғин хавфсизлиги тизимида бу тадбирлар янгилик эмас. Йилдан-йилга ёнғинларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида жамоатчилик билан ишлаш, фуқаролар билан кўпроқ мулоқотда бўлиб, улар билан "Олов – тилсиз ёв" мавзусида турли суҳбатлар ўтказилмоқда. Лекин шуларга қарамай, аксарият ҳолатларда айнан аҳоли турар жойларида, кўп қаватли биноларда ёнғин содир этилаётганлигини инкор қилиб бўлмайди.

Бундай ҳолатлардан хабардор бўлган ҳар бир инсон ўзи учун тегишли хулоса чиқариши зарур. Чунки ёнғин нафақат уй қурилмалари ва жиҳозларини кулга айлантиради, ушбу офат кўплаб инсонлар ҳаётини, соғлиғини, ёшлигини ўзи билан олиб кетади. Бир умрга мажруҳга айлантиради. Шунинг учун биз - Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари маҳалла фаолларини, хонадон эгаларини, фарзандларимизни огоҳликка чақирамиз!

**Муслима РАҲИМОВА,**
**ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси, ички хизмат лейтенанти.**

# УРУШДАН ҲАМ ДАҲШАТЛИ

(Боши 1-бетда)

Бора-бора ёр-дўстларининг, маҳалла-кўйнинг, ҳатто оила аъзоларининг муносабати совуқлигидан, атрофдагилар гўё ундан жиркангандай ўзларини олиб қочишаётганидан эзиларди...

Шу йигит изсиз йўқолди. Бировлар унинг шаҳарда мардикорлик қилаётганини айтишса, яна бошқалар эса аҳволи оғирлашиб аллақайси касалхонада ўлим билан олишаётгани ҳақида эшитганини сўзларди.

Очиғи, худди шу ҳолатдаги каби, бу касалликка чалинганларга нисбатан айримларимиз камситиш назари билан қараймиз. Айримлар эса ОИТС билан касалланганлардан нафратланади ҳам. Чунки орттирилган иммунитет танқислиги синдроми вирусларини фақат ахлоқан нопок йўлда юрганларгина юқтиради, деган қарашдамиз. Қайсидир маънода бу қарашда жон бор, илмий жиҳатдан ҳам инкор этилмайди. Бироқ...

Афсуски, инсониятни тараққиётга олиб чиққан, айни пайтда уни ҳалокатли омиллар билан юзма-юз қилган –XX аср мерос қилиб қолдирган бу иллат эҳтиётсизлик ҳамда у хусусда етарли ахборотга эга бўлмаслик оқибатида ҳамон қулоч ёзаётгани, натижада минглаб инсонлар (асосан, ёшлар!) унинг қурбони бўлаётгани ҳақиқат.

Рақамлар шуни кўрсатадики, 2000 йилнинг биринчи ярим йиллигига қадар дунё бўйича 34,3 миллион киши ОИТС инфекциясини ўзига юқтирган (ўтган уч йил ичида бу сон янада ошгани одамни хавотирга солади). 18,8 миллион одам, жумладан, 3,8 миллион болалар бу касаллик туфайли бевақт ҳаётдан кўз юмганлар. ОИТСга чалинганларнинг эллик фоизи 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган жамиятнинг ёш бўғинига тўғри келади. Бу табиий. Сабаби, ўрганишлардан шу маълум бўладики, ёшлар ОИТСга чалинишга энг мойил қатлам ҳисобланади. Янада ачинарлиси, бутун жаҳонда ҳар куни 8,5 минг болалар ва ёшлар бу тузалмас дардни юқтираётганлари кишини хушёр торттиради.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан БМТнинг мингйиллик саммитида қилган маърузасида ("Мингйиллик маърузаси" номи билан машҳур) жаҳон жамоатчилигининг эътиборини энг глобал, оғриқли муаммо сифатида ОИТС инфекциясининг шиддат билан тарқалаётганига қаратаркан, " ОИТСнинг таъсири уруш вайронагарчиликларидан кам эмас, балки қайсидир маънода у урушдан ҳам кўпроқ жабр-жафолар келтириши мумкин", деганди.

Бу муболаға эмас. Масалан, Африка қитъасида ушбу эпидемия оқибатида умр кечириш даражаси 15 йилга қисқарди; кўплаб одамлар меҳнат қобилиятларини йўқотдилар; қанча-қанча оилалар барбод бўлди. ОИТС вируси минтақада урушдан кўра кўпроқ одамнинг ёстиғини қуритди: 1998 йилда уруш оқибатида 200 минг африкалик қурбон бўлган, ОИТСдан эса 2 миллион киши ўлди.

Албатта, бизнинг минтақамизда, хусусан, мамлакатимизда бу эпидемиянинг тарқалиш даражаси пастлиги (асосан, гиёҳванд моддалар истеъмол қилаётганларнинг ОИТС касаллигини юқтирганликлари маълум) бунга қарши кескин кураш ва огоҳликнинг кучайганлиги кўнгилни бироз хотиржам этади. Лекин барибир унинг хатарини бир лаҳза ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ...

Бедаво дарднинг келиб чиқиши, унинг олдини олиш хусусида ўнлаб, юзлаб фаразлар ҳамон тилга олиняпти. Тобора унинг ҳар қандай жамиятда оғир ҳолатни юзага келтириши, чунончи, иқтисодиётни издан чиқариши, таълимга салбий таъсири, оилаларнинг парокандa бўлиши, муҳими, соғлом авлод – соғлом келажак аста-секин қуруқ орзуга айланиб қолиши сингари мудҳиш оқибатларини ҳис қилиб боряпмиз.

Демак, ОИТСга қарши кураш ҳар биримизнинг – ёш, жинс, миллат, дин, мавқедан қатъи назар – вазифамиздир.

Яна бир жиҳати, ёшларимизни ОИТСдан асраб қолиш учун уларга бу ҳақда кўпроқ ахборот етказиш, жинсий тарбиядан бохабар этиш, улар орасида гиёҳвандликнинг ёйилишига барҳам бериш, хуллас, ҳар дақиқада уларнинг муаммолари билан қизиқиб, огоҳ бўлиш шарт.

**Ф.МАҲКАМОВА тайёрлади.**

# АСР ВАБОСИГА ҚАРШИ

***ОИТС ва гиёҳвандлик бугунги кунда борган сари дунё афкор оммасини ташвишга солаяпти.***

Бу касалликларнинг ҳар иккаласи ҳам ўлим билан тугаётгани сир эмас. Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига қараганда, ОИТС вирусини юқтирганларнинг сони дунёда 60 миллиондан ошиб кетди, 6 миллиондан ортиқ болалар ҳам ушбу тузалмас дардга йўлиққан. Яна бир маълумот: дунё бўйича ҳар куни ушбу касаллик вирусини юқтирган 10 минг киши эса ҳаётдан кўз юммоқда. Демак, ОИТС ҳам терроризм, наркобизнес офатлари каби бутун инсониятни ўйлантираётган глобал муаммо бўлиб қолди.

Юртимизда ҳам бу ўлатга қарши бир қанча чора-тадбирлар кўрилаяпти. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва БМТнинг болалар жамғармаси - ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олиш ёшлар маърифий дастури худди шу саволларнинг ечими сифатида ташкил топди. Дастур ўз олдига ёшларга ОИТС ва гиёҳвандлик тўғрисида мукаммал тушунча бериш, улардан ҳимояланиш усуллари, унинг оқибатлари ҳақида маълумот беришни асосий мақсад қилиб қўйган. Ўтган йилда ўтказилган семинар-тренингларда жуда кўплаб ёшларнинг кўнгилли сифатида иштирок этишганининг ўзиёқ ёш авлоднинг бу масалага нақадар жиддий эътибор қараётганлигидан далолат беради. Шу кунга қадар юртимизнинг барча вилоятларида дастур доирасида семинар-тренинглар ўтказилиб, унда минглаб ёшлар иштирок этишди. Энг асосийси, улар мазкур бедаво дард тўғрисида кўпгина маълумотга эга бўлишди.

**ТАДБИР**

Жорий йилда ушбу лойиҳанинг иккинчи босқичини амалга оширишга киришилди. Бу босқичда Нукус, Урганч, Термиз, Қарши, Навоий, Бухоро, Наманган, Фарғона ва Андижон ёшлари иштирок этиши кўзда тутилган.

Ёшлар дастурининг иккинчи босқичи доирасидаги семинар-тренинглар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилди. Семинарларда ўқув муассасалари, давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият кўрсатаётган лидер ёшлар иштирок этиб, соғлом турмуш тарзи тамойиллари, ёшлар саломатлигини ҳимоя қилишнинг янги замонвий усуллари тўғрисида интерактив ўқув машқлари орқали билим олмоқдалар. Ушбу хайрли тадбирларнинг навбатдагиси Бухоро ва Навоий вилоятларида ўтказилиши режалаштирилмоқда.

**Акбархон МАГДИЕВ,**
**Дастур координатори.**
**Беҳзод БОЗОРОВ,**
**журналист.**

# МУАММОЛАР ЕЧИМИ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

(Боши 1-бетда)

53000 гектар ерда кўсак қурти. Шартнома 63 фоизда қолди. Бу рақамлар Фарғона вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Тўлқин Эгамбердиевни ҳам йиғилишда уялтириб қўйди. Айни кунда ҳам вилоятда биолабораторияларнинг аҳволи қониқарли эмас. Мутахассислар малакаси паст, миқдор кўп-у сифат унутилган. Зараркунандаларга қарши курашга икки-уч ой кечикиб киришилгани нафақат фарғоналикларга, балки бошқаларга ҳам ибрат бўлармикин? Мутахассисларни ўқитиш, биолабораторияларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш, сифатга эътибор. Буларсиз вазиятни ўнглаш мушкул. Бугун биоусул учун миллионни аясак, эртага бу хасислигимиз ўзимизга миллиардлаб зарар келтиради. Ана шу сабабли зараркунанда ва касалликларга қарши кураш айни шу чоғдан, ҳар бир пайкал, ҳар қарич ерда бошланиши зарур. Муаммонинг ечими кабинетларда эмас, балки далада, экинзорда...

Яна бир муҳим масала пахтачиликни ривожлантириш Кенгашида кўриб чиқилган. Бу 2004 йил ҳосили учун пахта навларни жойлаштириш.

-Уруғчилик, нав масаласига кўпчилик етарлича эътибор бермаяпти, - дейди Кенгаш котиби, Республика ғўза уруғчилиги марказининг бошлиғи Турсунбой Комилов. – Энг ёмони вилоятларда пахта навлари жуда тез алмашаяпти. Оқибатда шу вилоятлардаги уруғчилик хўжаликларида катта харажат эвазига тайёрланган юқори сифатли уруғлик бекор қилинмоқда. Бундан энг аввало, оддий пахтакор зарар кўрмоқда. Сайхунобод туманидаги "Бирлашган", Хонқа туманидаги "Ғалаба", Хўжайлидаги "Озодлик", Қамашидаги "Чим" уруғчилик хўжаликларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

-Биласизми, чет элда бир тонна уруғлик чигит ўртача 6000 евро туради, - дейди "Ўздавуруғназоратмарказ" директори Олимжон Мирҳабибов. – Бизда эса айрим раҳбарларнинг айби билан уруғлик сариқ чақага айланиб қолаяпти. Афсуски, йилдан йилга пахтанинг навдорлиги пасайиб кетаяпти. Бу ҳосилдорликнинг сезиларли даражада тушиб кетишига олиб келмоқда. Шунингдек, кўпчилик уруғчилик хўжаликлари 40-45 минг гектар ерга эмас, балки 3,5-4 минг гектарга уруғлик тайёрлаб бераяпти, холос. Уруғчиликнинг беш йиллик схемаси мутлақо йўқ. Бу ҳам муаммо ортидан муаммо туғдираяпти.

Шу ўринда бир илтимосим бор. Уруғчилик хўжаликларини минерал ўғитлар билан таъминлашни яхшиласак. Чунки, илгари минг дона уруғлик чигитнинг оғирлиги 120 граммдан ошарди. Ҳозир-чи? Ўғит етишмаслиги боис, бу кўрсаткич 90-95 граммдан ошмаяпти.

"Арнасой тумани қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2004-2006 йилларга мўлжалланган дастури". Бу йиғилишда кўрилган яна бир масала.

-Бу муаммо ҳам вазирлик қошидаги кенгашда муҳокама қилинди, - деди Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти директори Расулмат Ҳусанов. – Нега биз Арнасойни танладик? Чунки, бу ҳудуд ҳар томонлама ночор аҳволга тушиб қолган. Ишчи кучи, техника жуда кам, табиий имконият эса катта. Экин экишда ер унумдорлигини эътиборга олиш, бал-бонитетга кўра экин экиш ва бошқа жиҳатларни дастурга киритганмиз. Ахир унумсиз ерга пахта экиб, ҳозиргидек беш-олти центнер ҳосил олгандан кўра далага бошқа экинларни жойлаштирган мақбул эмасми? Ерга билимдонлик билан муносабатда бўлсак, тупроқ унумдорлигини оширсак, харажатлар албатта қопланади. Дастурда барча ҳолатлар эътиборга олинган. Менимча, келгусида бундай иқтисодий соғломлаштириш дастурини ҳар бир туман, ҳар бир вилоят бўйича яратиш керак. Ахир эртанги кунни аниқ ҳисоб-китобларда кўриб турганга не етсин.

Бу фикр барчага маъқул келди. Йиғилишда таъкидланганидек, олимлар-у амалиётчилар, мутахассислар республика қишлоқ хўжалиги тизимининг эртанги куни – 10-15 йиллик истиқболли дастурини тайёрлашни ҳозирданоқ бошлашлари зарур. Жорий ишлар шу дастурга ҳамоҳанг равишда амалга оширилади.

Очиғи, вазирликдаги йиғилиш-у машваратларда кўп иштирок этганмиз. Биринчи нотиқнинг гапи тугамай, аксарият иштирокчилар ё мудраб, ё эснаб ўтириши ҳам бор гап. Нотиқлар ҳам "беозоргина" маъруза қилишарди. Бу сафар эса муаммолар очиқ-ошкора айтилди, айбдорлар танқид ҳам қилинди. Муҳими бу эмас. Асосийси, нега, деган савол қўйилиб, мана бундай қилсак яхшироқ бўлади, деган таклиф, йўл-йўриқ ҳам Кенгашлар томонидан илгари сурилди. Йиғилишда йил бўйи йиғилиб қолган "дард"лар ўртага ташланиб, ечими маблағ ё имкониятда эмас, балки катта-ю кичик амалдору одамларнинг ўзида эканлиги яна бир бор айтилди, қарорлар қабул қилинди. Ҳар бир амалдору мутахассиснинг зиммасига катта масъулият юкланди. Демак, ўзгаришлар, ислоҳотлар давом этади.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ҲАМКОРИНГ ИШОНЧЛИ БЎЛСА...

***Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Бухоро вилояти бўлими молиявий хизмат кўрсатиш даражасини оширишга астойдил интилмоқда.***

Молия бозорида ўзининг аниқ иш услубига эга бўлиб бораётган бу банк тизимида еттита филиал ҳамда битта шаҳар бўлими фаолият кўрсатмоқда. У бугунги кунда 21 минг 418 нафардан зиёд мижозга эга. Улар орасида тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланаётганлар кўпчиликни ташкил этади.

— Банк ходимлари аризамни тезда кўриб чиқишди ва менга 9 миллион 700 минг сўм кредит ажратишди, — деди биз билан суҳбатда мижозлардан бири - Ромитон туманидаги «Тўхта бобо» номли фермер хўжалиги раҳбари Фармон Хожиев. — Бу маблағга ғишт ишлаб чиқаришда жудаям асқотадиган замонавий асбоб-ускуналар сотиб олдим. Ҳозирда сифатли ҳамда арзон нархдаги ғиштлар ишлаб чиқаряпмиз. Беш нафар қишлоқ ёшларига иш ўринлари яратилди.

— Банк ходимларининг аниқ ва тез ишлаши менга, айниқса маъқул келди, — дея суҳбатдошининг фикрини қувватлади Бухоро шаҳридаги «Касатка» фирмаси раҳбари Бахтиёр Қаюмов. — Шу йил тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш ниятида зарур асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 9 миллион 700 минг сўм имтиёзли кредит сўраб банкка мурожаат этдим. Бизнес режамни, фойда олиш имкониятимни билишгач, дарров маблағ ажратишди. Ҳозирга келиб 13 нафар янги ишчи ўрни яратилди. Бу ерда қизжувонлар тикаётган костюм-шим ҳамда бошқа буюмлар мижозларга жудаям манзур бўлмоқда. Биргина август ҳамда сентябр ойларининг ўзида 3 миллион 30 минг сўмлик маҳсулотлар аҳолига сотилди. Кредит эвазига 290 минг сўмлик соф фойда олинди.

Бундай илиқ фикрларни бошқа кўплаб мижозларидан ҳам эшитиш мумкин. Чунки банк ходимлари улар учун зарур шарт-шароитларни яратиб беришмоқда. Мижозлар молия тизимидаги янгиликлардан хабардор бўлиб, ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишлари, қолаверса қонунчиликдаги ўзгаришлар билан танишишлари мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорларида тижорат банклари зиммасига хусусий тадбиркорликни, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш учун мижозларга қулай шароит яратиб бериш масъулияти юкланган. Сўз юритилаётган банк жамоаси тадбиркорларни, деҳқон хўжаликларини, фермерларни, ўрта ва кичик субъектларни кредит билан таъминлаб келаётир. Энг муҳими, банк маблағлари сабаб бўлиб, чекка қишлоқларда янги иш ўринлари яратилаётир. 2003 йилнинг ўн ойи давомида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида 495 хўжалик юритувчи субъектга 1 миллиард 864 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. 39 нафар фермерга 143,7

**БАНК ТИЗИМИ**

миллион сўм имтиёзли кредитлар берилди. Бундан ташқари вилоятдаги 436 нафар фермерларга пахта етиштиришга 764,7 миллион, ғалла етиштириш учун эса 210 нафар фермер хўжаликларига 62,5 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ибратли жиҳати шундаки, кўрсатилаётган иқтисодий кўмакнинг аксарият қисми банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилмоқда. Натижада мазкур молия муассасаси мижозлари сони кескин ошди.

Шу билан бирга ажратилган кредитнинг мақсадли сарфланиши ҳамда олинган қарзларнинг ўз вақтида қайтарилиши қатъий назоратга олиниб, мониторинг ўрнатилган.

— Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган ишларда банкларнинг ўзига хос ўрни бор, — дейди ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Бухоро вилояти бўлими бошлиғи Ўткир Амонов. — Президентимизнинг қатор фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида биз - банк соҳаси ходимлари зиммасига тизимни ислоҳ қилиш, хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари даражасига кўтариш вазифалари юклатилган. Аҳил жамоамиз юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда иш олиб боришга ҳаракат қилаяпти.

Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурининг бажарилишига ҳисса қўшиш мақсадида олий ўқув юртлари, коллежлар ва бошқа ўқув даргоҳларида шартнома асосида таълим олаётган талабаларни қўллаб-қувватлаш ниятида кредитлар жорий қилинган. Ҳозиргача 48 нафар талабага 17,1 миллион сўм таълим кредитлари ажратилди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, банкда бой тажрибага эга бўлган ходимлар билан бир қаторда интилувчан ёшлар ҳам меҳнат қилмоқда. 288 нафар ходимнинг 132 нафари олий маълумотли ва 120 нафар ходим ўрта махсус маълумотга эга. 16 нафари банк мутахассисликлари бўйича олий ўқув юртларида ўқимоқда. Банк ходимларининг етмиш фоизини ёшлар ташкил қилади. Бундан ташқари бу ерда ходимларнинг малакалари мунтазам равишда ошириб борилади.

Замонавий банк усулларини қўллаш мақсадида «пластик карточкалар асосида нақд пулсиз тўлов тизимини ривожлантиришнинг 2005 йилгача мўлжалланган дастури ишлаб чиқилди. Қулай ва фойдали бўлган бу хизмат тури мижозларга айниқса қўл келаяпти. Ҳозирда пластик карточклар сони 8444 тани ташкил этади. 2003 йилнинг ўтган ўн ойида 450 миллион сўм маблағ айланмасига эришилди. Шунингдек, терминаллар банкоматлар орқали 191 миллион нақд пулсиз 259 миллион сўмлик ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари айрим савдо нуқталарида сўм пластик карточкалари билан ҳисоб-китоб қилиш йўлга қўйилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида асос солинган ушбу банк мижозларнинг ишончли ҳамкорига айланиб улгурди. Зеро, интилганга толе ёр, деб бежиз айтилмаган. Интилувчан жамоа ўз обрў-эътибори ва нуфузини тобора ошириб бораяпти.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**



**Янги трактор сотиб олишни қайси ер эгаси истамайди дейсиз? Айниқса, бу занжирли трактор бўлса. Чиноз туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги деҳқонлари бу йил астойдил меҳнат қилишди. Пахта ва ғалла шартномалари ортиғи билан уддаланди. Фойданинг бир қисми 2 та "Олтой" трактори олишга сарфланди.**

**-Шудгорни эрта-индин тугатамиз, - дейди ширкат етакчиси Абдужаббор Тошматов. – Бу келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратилди деганидир.**

**СУРАТДА: хўжалик мутахассислари.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

**МАВСУМ**

***"Учтепа пахта тозалаш корхонаси" ҳиссадорлик жамиятида пахтани қайта ишлаш давом этаяпти.***

# МУҲИМИ СИФАТ

-Янги ускуналар ўрнатдик, - дейди жамият раиси Омон Холйигитов. – Тарозихона, лаборатория, қайта таъмирланиб, давлат стандартидан ўтказилди. Техника хавфсизлиги ва ёнғинга қарши курашга жиддий аҳамият бердик.

Жорий йил режасига кўра, учтепаликлар 27 минг тонна пахта қабул қилиш бўйича шартнома имзолашган. Режага мувофиқ 4000 тоннадан зиёд уруғлик чигит ҳам ҳозирланиши лозим. Бугунги меҳнат, ҳаловатсиз дамлар, қувватларнинг унумли ишлатилиши кўзланган натижага эришишга тўла имкон мавжудлигини кўрсатади.

**Ҳ.ШУКУРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти"**
**мухбири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## НАВБАТДАГИ ТАЖОВУЗ

***Ироқда хорижий ташкилотлар ходимларига нисбатан террор хуружлари ҳали ҳам давом этмоқда.***



Якшанба куни кечаси Тикрит шаҳрида икки нафар японялик дипломат отиб ўлдирилган. Ушбу қотиллик Ироқ можаролари бошланганидан буён Японияннинг илк йўқотиши бўлди. Фожиа юз берган чоғда япон дипломатлари Бағдоддан Тикритга Шимолий Ироқни тиклашга бағишланган конференцияда қатнашиш учун кетаётган эдилар. Маълумотларга қараганда, дипломатлар машинаси Саддам Хусайннинг она шаҳри Тикрит яқинидаги дўконларнинг бири олдида тўхтаган вақтда номаълум шахслар томонидан ўққа тутилган. Натижада элчихонанинг маслаҳатчиси Кацукико Оку ва Бағдоддаги япон миссияси котиби Масамори Иноуэ воқеа жойида ҳалок бўлган.

Токио расмийлари АҚШ Давлат Департаментидан фожиа тафсилотларини ўрганишда ёрдам беришини сўради. Япония бош вазири Дзюнъитиро Коидзуми "Биз терроризм олдида бош эгмаймиз ва Ироқда тинчликни ўрнатиш йўлида қўлимиздан келган кўмакни беришга тайёрмиз", дея таъкидлаган.

## "ЖОСУС"НИНГ ҲАЛОКАТИ

***Япония космик агентлиги томонидан учирилган ракета ҳалокатга учради. Ушбу ракета орбитага иккита жосуслик вазифасини бажарувчи сунъий йўлдошни олиб чиқиши керак эди.***

Ракета кўзланган траектория бўйича ҳаракат қилмаётганлиги аниқлангач, Ердаги бошқарув тизими буйруғи билан портлатиб юборилган.

Бошқа бир маълумотга кўра эса ракета қурилмасида носозлик мавжуд бўлган. Ракета бортидаги сунъий йўлдошнинг асосий вазифаси Шимолий Корея ядровий дастурини фазодан туриб кузатиш эди. "Космик жосус" деб номланган ушбу аппарат кечаю кундуз, ҳатто ёмон об-ҳаво шароитида ҳам ердаги ҳарбий иншоотларни кузата оларди.

## БАРҚАРОРЛИК УЧУН САЙЛОВ

***Афғонистонда президентлик сайлови олдидан овоз берувчиларни рўйхатдан ўтказиш жараёнлари бошланмоқда.***



Сайлов келгуси йил июн ойида бўлиши режалаштирилмоқда. Душанба кунги рўйхатдан ўтказиш жараённинг биринчи босқичи ҳисобланади. Унга Қобул, Мозори-Шариф, Ҳирот ва саккизта ҳудуд киради. 18 ёшдан юқори бўлган барча афғон эркак ва аёллари рўйхатдан ўтиш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда мамлакатда 10 миллионга яқин потенциал овоз берувчи мавжуд. Сайловни ташкил қилаётган БМТнинг таъкидлашича, хавфсизлик таъминотидаги мавжуд камчиликлар олиб борилаётган рўйхатга олиш жараёнларида қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Кўпгина кузатувчиларнинг фикрича, келгуси йилда бўладиган сайлов мамлакатда олиб борилаётган сиёсий жараёнларга бўлган ишончни тиклаши мумкин экан. Охирги марта Афғонистонда аҳолини рўйхатга олиш 1979 йилда бўлиб ўтган эди. Орадан 20 йилдан кўпроқ вақт ўтибдики, ҳамон мамлакатда қуролли тўқнашувлар бўлиб турибди. Сайловларда қатнашиб, овоз бериш Афғонистонда тинчликни барқарорлаштиришда энг самарали йўл эканлигини БМТ афғон аҳолисига тушунтиришга ҳаракат қилмоқда. Чунки кўпгина афғонистонликлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб алоҳида турли ҳудудларда яшашади. Афғонистон жануби ва шарқида Толибон ҳаракати вакиллари олиб борилаётган жараёнларга ўзларининг хуружлари билан ҳалақит беришга уринишмоқда.

## НОМЗОДЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

***Грузия марказий сайлов комиссияси президентликка номзодларни рўйхатга олиш муддатини 5 декабргача чўзди. Ҳозирги вақтда мамлакат раҳбари курсисига 13 киши даъвогар бўлиб турибди.***



Грузия президентлигига асосий даъвогарлардан бири Михаил Саакашвили Аджария мухтор ўлкасининг раҳбари, ҳали президентликка номзод сифатида рўйхатдан ўтмаган Аслан Абашидзени ўзининг асосий рақиби деб билмоқда. Бунга сабаб ҳам бор, чунки Грузияда вужудга келган ҳозирги вазиятда бу икки лидернинг роли каттадир. Саакашвили яна "президентлик сайловини ўтказиш мамлакатда мавжуд вазиятни ўз ўрнига туширади ва демократик тизимни қарор топтиради", дея таъкидлади. Грузияда президентлик сайлови муддатидан олдин – 2004 йил 4 январда ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Республикада вақтинча президентлик вазифасини ўтаб турган Нино Бурджанадзе 1 ва 2 декабрда Нидерландия қироллигида бўлиб ўтадиган ЕХҲТ йиғилишида қатнашишини айтиб ўтган. Ушбу йиғилишда Грузияда бўлиб ўтадиган президентлик сайловига молиявий кўмак бериш муҳокамага қилинади.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**


МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН

ХАЛҚ БАНКИ

BANK

мамлакатимиз фуқароларига янги

"Хазина"

қисқа муддатли омонат турини
ТАКЛИФ ЭТАДИ.

*Мазкур омонатга маблағлар Халқ банкининг барча муассасалари томонидан камида 5000 сўм миқдорда 6 ой муддатга, нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.*

*Омонатда сақланаётган маблағларга ҳар ойда фоиз даромадлари ҳисобланади ва омонатчи ўзига қулай вақтда фоиз даромадларини олиши мумкин.*

***Омонатингизни ишончли банкда сақланг ва кўпайтиринг.***

*Мурожаат учун телефонлар: 173-69-15; 173-69-16 (ички 126, 111, 109)*


# ҚОР ЁҒАДИГАНГА ЎХШАЙДИ

***Куз ортда қолди. Қарангки, қишнинг биринчи куниёқ об-ҳавонинг авзойи ўзгарди. Ташқарида қорнинг совуғи, этинг жунжикади, танангга биров игна санчгандек бўлаверади.***

Биринчи қор ҳали куз тугамасданоқ ёғиб ўтди. Тоғларга оппоқ қор инди. У ёки бу юмушларни ниҳоясига етказа олмаганларнинг кўнглига ғулғула тушган бўлса ажабмас.

-Токни ҳар йили эртароқ кўмиб қўярдим. Бу йил қўл тегмади. Кутилмаганда дарров қор ёғиб қўйди. Энди совуқ урмасмикин?

**ИҚЛИМ**

-Кузги буғдой экишни кечиктириб юбордик. Ҳали униб чиққанича йўқ. Буёғи қандоқ бўлди энди?

Бундай суҳбатни тез-тез эшитасиз. Аммо бир гапни унутманг: "Қолган ишга қор ёғар". Мана шу эсдан чиқмаса бас.

Энди об-ҳаво маълумотига бир эътибор беринг.

Республика гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга қараганда, юртимизда бугун ҳаво булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Айрим жойларда кечаси ва эрталаб туман тушади. Пойтахтимиз Тошкентда кечаси 0-2 даража совуқ, кундузи эса 5-7 даражагача илиқ бўлиши кутилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида шарқдан 5-10 м/с тезликда шамол эсади. Кечаси 6-11 даража совуқ, кундузи эса – 2 даража совуқ билан +3 даража иссиқ орасида. Туман тушади. Ҳаво булутли бўлса-да, ёғингарчилик кузатилмайди. Бухоро ва Навоий вилоятларида туман тушади. Кечаси ҳаво ҳарорати -5 даражагача совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ атрофида бўлади.

Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятида 3-4 декабр кунлари ҳаво булутли бўлади. Лекин ёғингарчилик кузатилмайди. 5-6 декабр кунлари эса айрим туманларда ёмғир, қор ёғиши мумкин. Жойларда туман тушади. Шарқдан 7-12 м/с тезликда шамол эсади. 4-6 декабр кунлари кундузи +3+8 даража илиқ бўлиши кутилмоқда.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳам ҳаво булутли бўлади. 5-6 декабр кунлари айрим туманларда ёмғир ёғиши мумкин. 4-6 декабр кунлари 7-12 даражагача илиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида 3 декабр куни +3+8 даража, 4-6 декабр кунлари эса +7+12 даража илиқ бўлиши кутилмоқда.

5-6 декабр кунлари юртимизнинг жануби Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг айрим туманларида ёмғир ёғиши мумкин. Туман тушади. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво булутли бўлади. Қор ёғиши эҳтимоли бор. Туман тушади. 3-4 декабр кунлари кечаси 5-10 даража совуқ, 5-6 декабр 0-5 даража совуқ. 3 декабр кундузи –3 совуқдан +2 даража иссиққача, 4-6 декабр кунлари эса ҳаво ҳарорати 0-5 даражагача илиқ бўлиши кутилмоқда.

Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам сизларга ҳамиша омонлик тилаймиз.

**Шавкат ОРТИҚОВ**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги "UL-MUNIR SAVDO" хусусий фирмасига берилган гувоҳнома ва фирманинг низоми йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан "DILKUSHO-PLYUS" МЧЖга қарашли Юнусобод тумани Ж.Обидова кўчаси 57-уйдаги икки қаватли ошхона биносига 2003 йил 22 апрелда берилган № 7-73/03 рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 2 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1Австралия доллари | 708,39 | 1 Польша злотийси | 251,25 |
| 1 1 Англия фунт стерлинги | 1685,43 | 1 СДР | 1407,38 |
| 1 Дания кронаси | 158,00 | 1000 Туркия лираси | 0,67 |
| 1 БАА дирхами | 266,19 | 1 Швейцария франки | 758,62 |
| 1 АҚШ доллари | 977,63 | 1 ЕВРО | 1175,31 |
| 1 Миср фунти | 158,84 | 10 Жанубий Корея вони | 8,12 |
| 1 Исландия кронаси | 13,15 | 10 Япония иенаси | 89,09 |
| 1 Канада доллари | 752,54 | 1 Россия рубли | 32,87 |
| 1 Хитой юани | 118,11 | 1 Украина гривнаси | 183,35 |
| 1 Малайзия ринггити | 257,30 | | |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

# БАХТНИНГ ЧЕГАРАСИ

(Боши 1-бетда)

Хожагон тариқатини кейинчалик – XIV асрда Хожа Баҳоуддин Нақшбанд такомилга етказди ва бу тариқат хожагон-нақшбандия ёки тўғридан-тўғри нақшбандия деб юритиладиган бўлди.

Хожагон-нақшбандия тариқати амалда ислом оламидаги сўнгги йирик тариқат сифатида кўп асрлик тажрибаларни умумлаштирди, ўзига хос тарзда уйғунлаштирди, энг муҳими, дин билан дунёни узвий равишда бир-бирига боғлади. Тариқатнинг бош йўлига айланган «Дил – ба ёр-у, даст – ба кор», яъни «Кўнглинг – Яратганда, қўлинг – ишда бўлсин!» – деган моҳиятан теран маънога эга буюк шиорни ҳам илк бор айнан Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ўртага ташлаган.

Хожагон-нақшбандиянинг қолган барча шиорлари, яъни ҳаётий қоидалари ҳам мантиқан ана шу бош ғоянинг замирида пайдо бўлди. Бу шиорларнинг тўрттасини – «Ёдкард», «Бозгашт», «Нигоҳдошт» ва «Ёддошт»ни Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний амалга киритган.

Хожагон тариқатидан бошлаб тасаввуф тарихида кескин бурилиш юз берди: энди суфийлар инсон Ҳаққа етиш даражасида комилликка эришиши мумкин ва бунинг учун Яратган ҳалол этган ҳаёт, тириклик лаззатларидан воз кечиш, таркидунёчилик қилиш шарт эмас, аксинча, одамзод умр бўйи эзгуликка интилиши, бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлиши, ўзидан бу дунёда муносиб из қолдириши, шу тариқа умрибоқийликка дахлдор бўлиши лозим, деган хулоса ҳукмрон бўла бошлади.

Буни Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний фақат тарғиб ва ташвиқ қилиб қўя қолгани йўқ, балки, амалда исботлади ҳам. Вобкент шаҳри марказидаги 805 йилдан буён қад ростлаб, ўзбек миллий меъморчилигининг гўзал намунаси сифатида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини кўз-кўз қилиб келаётган минора ҳам айнан Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний маблағи ҳисобига барпо этилгани хожагон тариқатининг дунёвийлигини – «дил – ба ёр-у, даст – ба кор»лигини исботлашга чинакам далил бўла олади.

Ер юзида ҳаёт мавжуд ва унда одамзод яшар экан, дин ҳамиша кишиларни ҳалоллик ва покликка, меҳнат қилиб кун кечиришга, демакки, фаолликка ундаб, эзгуликка чорлайверади. Даврлар ўтар, замонлар ўзгарар, бироқ ислом ва унинг асосида пайдо бўлган тасаввуфдек ахлоқий-фалсафий таълимотнинг аҳамияти, инсоният маънавий ҳаётидаги ўрни йўқолмайди, билъакс, унга эҳтиёж кучайгандан кучайиб бораверади.

Нафсиламбирини айтганда, ҳалиҳанузгача инсонни маънавий-ахлоқий камолга етказиш борасида тасаввуф фалсафасига тенг келадиган бошқа таълимот яратилган эмас. Тасаввуфни эса хожагон-нақшбандия тариқатисиз асло тасаввур қилиб бўлмайди.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний мероси бугун бизнинг бебаҳо мулкимиз, улкан бойлигимиз, кучли асос-суянчиғимиз ҳисобланади. Уни кўз қорачиғидек асрабавайлаш, ўрганиш, кишиларимиз онги ва қалбига сингдириш орқали миллий ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш, халқнинг ўз қадим ўзанига тушиб олишига эришиш, замоннинг тезкор ва шиддатли талабларига жавоб берадиган илдизлари теран ва мустаҳкам бир халқ эканимизни исботлаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Туркистонимиз жадидларининг етакчиси Маҳмудхўжа Беҳбудий 1912 йили Баҳоуддин Нақшбанд қабристони зиёратига борганида яна бир жадид – Садриддин Айнийга хожагон-нақшбандия шиорлари ҳақида сўзлаб: «Агар ушбу сўзлар Европа файласуфларидан содир бўлган бўлса эди, европаликлар катта ва кичик шаҳарларда қуббалар ясаб, мазкур сўзларни олтин билан ёздириб қўяр эдилар», – деган. Мустақиллик шарофати билан бугун биз халқ сифатида улуғларимиз меросини қадрлаш, улардан қолган шундай олий ҳикматларни ўрганиш, унга амал қилиб, ажойиб бунёдкорлик ишларини амалга ошириш имконига эга бўлдик.

Бухорода хожагон-нақшбандия тариқатининг етти машҳур пири ўтган. Шу занжирнинг биринчи ҳалқаси – Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, охиргиси – Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланган эди. Шу буюк тасаввуф пирининг муборак қабри обод қилинган, чинакам зиёратгоҳга айлантирилган эди. Бугунги байрам муносабати билан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қабри мажмуаси яна қайтадан таъмирланди. Қабр майдони яна аввалгидек ҳолатга келтирилиб, гўзал бир масканга айлантирилди. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний қабри ёнида темурий шоҳ ва олим Мирзо Улуғбек ҳашаматли мадраса қурдирган, Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси атрофида Бухоро амирлари кўп иморатлар тиклатган эди.

Ўзлигимизни англаш, буюк аждодлар руҳини шод этиш, ҳурматини жой-жойига қўйиш, қадриятларимизни эъзозлаш мақсадида шундай тарихий анъаналаримиз давом эттирилди. Бухороликлар етти пирнинг қолган вакиллари – Шофиркондаги Хожа Ориф Ревгарий, Вобкентдаги Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Ромитандаги Хожа Али Ромитаний ва Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Когондаги Саййид Мир Кулол мақбараларини ҳам обод қилишга қаттиқ киришган. Демак, бу эзгу ишлар изчил давом этади.

Қилинган бу ишлар, аввало, халқнинг улуғ аждодларимиз олдидаги фарзандлик бурчи ҳисобланади. Қолаверса, буларни кўриб, дунё аҳли бизнинг нақадар теран тамаддун эгаси эканимизни ҳис қилади. Энг муҳими, бошқалар биз билан миллий қадриятларимизга муносабатимизга қараб ҳам ҳисоблашади. Булардан ҳам ташқари, қадимий ва замонавий меъморий обидаларимиз ҳали кўплаб сайёҳларни ўзига жалб этиб, ҳатто, миллий хазинамизга ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Хожагон-нақшбандиянинг бугун бевосита дин ва давлат, дунё ва дин, тасаввуф ва сиёсат масалаларини ойдинлаштириб олиш учун ҳам айрича аҳамияти бор. Айтиш мумкинки, айнан Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийдан тасаввуфнинг дунёвийлашиши бошланган. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таълимотининг мўътадиллигини исботлайдиган муҳим далил бор. Бизга маълумки, тасаввуф дастлаб ҳукмрон сиёсатнинг ҳам, расмий диннинг ҳам қаттиқ эътирозига, қаршилигига учради. Суфиёна эътиқоди туфайли Мансур Ҳаллож ноҳақ дорга осилди. Хожагон тариқати машҳур давомчиси – Хожа Али Ромитаний: «Агар Ер юзида Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний фарзандларидан (яъни шогирдларидан) бири бўлса эди, Мансур Ҳаллож ҳеч қачон дор остига бормас эди», – деганида айнан Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг тасаввуфни мўътадиллаштиргани, уни сиёсатга ва расмий динга яқинлаштирганини кўзда тутган.

Бу оқилона йўл изчил давом этиб, хожагон-нақшбандиянинг темурийлар замонидаги энг машҳур пири – Хожа Аҳрор Убайдуллоҳ Вали ҳаёти ва фаолияти мисолида тасаввуфнинг сиёсатга ихтилофдан (оппозициядан) ихтилотга (муросага) келиш тизимига айланди. Шу тариқа тасаввуф амалда жамиятдан қочиш, таркидунё қилиш йўлидан эмас, аксинча, жамиятни бошқаришга кўмак бериш, давлатни халққа, халқни давлатга мойил қилиш, жамият сиёсий ҳаётига амалий ёрдамлашиш, унга ижобий таъсир кўрсатишга ўтди.

Бу ўзбек давлатчилиги тарихидаги муҳим ва эътиборли жиҳат эканини унутмаслигимиз керак. Бежиз эмаски, Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа барча темурий шаҳзодалар ҳам нақшбандий пирларга мурид эди. Хожагон-нақшбандия тариқати вакили Алишер Навоий ҳаёти, ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти ҳам бевосита Абдулхолиқ Ғиждувоний бошлаб берган инсонни фаолликка ундовчи тасаввуфий йўлнинг ёрқин ҳосиласи эди.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний асос солган тариқатнинг амалда юртимизда исломнинг энг асосли, илғор йўналиши – Имом Аъзам мазҳаби мустаҳкамланиши, уни ёт оқимлардан муҳофаза қилиш, эътиқодда бўлинувчилик келиб чиқмаслигининг олдини олишдаги ўрни ва аҳамияти ҳам бугун алоҳида ва махсус ўрганилиши зарур.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний қолдирган бой маънавий мерос ҳали аср-асрлар, абад ул-абад халқимизни, бани башарга эзгулик, инсонийлик, комилликнинг ёруғ йўлини кўрсатиб, яхшиликка чорлайверади. Чунки бу зоти шарифдан мерос қолган дурдона фикр-ғоя, нуқтайи назар, қарашларнинг аксарияти бугун ҳам аҳамиятини сира йўқотган эмас.

Пири комилнинг мана бу пандини бугун ҳар биримиз ҳаёт тарзимизга айлантирсак, арзийди: «Умр – нафасларнинг сармояси ҳисобланади. Бу сармояни туну кун, хоҳ уйқу маҳали бўлсин, хоҳ – бедорлик маҳали, огоҳлик билан сарф қилиш керак, токи ўтаётган бирор нафас ҳам зое кетмасин. Уни жавоҳир каби асраш лозим. Агар у зое кетса, катта зарар кўрилади. Худди бу асл жавоҳир бир хазина-ю, беҳуда кетган нафас хазинани ўғрилатган билан баробар. Шунинг учун ҳар бир фурсатни ғанимат билиб, уни «астағфуруллоҳ», яъни тавба-тазарру билан ўтказиш керак. Чунки заррача яхшиликнинг ҳам, зиғирча ёмонликнинг ҳам қаттиқ ҳисоб-китоби бор».

Бундай панд-насиҳатлар кишиларни маънавий баркамоллик сари ундайди. Илоҳо, ер юзида умрни ғанимат билиб, уни фақат ва фақат яхшиликка сарфлаш мақсадида яшайдиган одамлар кўпайсин!

Шундагина, улуғ бобомиз орзу қилганидек, ёвузлик устидан эзгулик, жаҳолат устидан маърифат, ёмонлик устидан яхшилик ғалаба қилаверади!

**Султонмурод ОЛИМ**

## SPORT OLAMIDA

### ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШИШДИ

***Қарши Давлат университети спорт мажмуасида ёшлар ўртасида кураш бўйича ташкил этилган вилоят биринчилиги мусобақалари "Обод маҳалла йили"га бағишланди.***

Вилоятнинг юз нафар полвонлари иштирокида уюштирилган ушбу беллашувлар жуда муросасиз кечди. Мусобақалар якунида эса ўз вазнлари тоифасида Анвар Чориев, Элмурод Сатторов, Зоҳид Ҳусанов, Аббос Мардиновлар ғолиб деб топилди ва мутасаддилар томонидан муносиб тақдирланди.

### ҚУЛАЙЛИК

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 11 йиллиги муносабати билан Фарғона шаҳрида олимпия захиралари спорт мактабининг биноси капитал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.***

Шуниси қувонарлики, вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Фарғона вилоят бўлимлари ҳамкорлигида таъмирланган ушбу ўқув масканида болажонларнинг пухта билим олишлари ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар муҳайё бўлди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

### "ЧЕЛСИ" – ПЕШҚАДАМ

***Англия премьер лигаси 14-тур баҳсларининг марказий учрашуви "Челси" ҳамда "Манчестер Юнайтед" ўртасида бўлиб ўтди.***



Чукотка губернатори Роман Абрамович жамоаси "Қизил иблислар" устидан кичик 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ўйиндаги ягона голни 29 - дақиқада Франк Лемпард пенальтидан киритди. Ушбу зафардан сўнг "Челси" 35 очко жамғариб, турнир жадвалининг биринчи поғонасига кўтарилиб олди. "Арсенал" 34 ва "Манчестер Юнайтед" эса 31 очко жамғариб, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаб туришибди.

### РАҚИБЛАР АНИҚ

***Футбол бўйича 2004 йил Португалияда бўлиб ўтадиган Европа чемпионати гуруҳларида иштирок этадиган терма жамоалар номи аниқланди.***




**А – Россия, Португалия, Греция, Испания;**

**В – Швейцария, Хорватия, Англия, Франция;**

**С – Болгария, Дания, Италия, Швеция;**

**Д – Латвия, Голландия, Германия, Чехия.**

Португалияда ўтадиган Европа чемпионати баҳслари 2004 йил 12 июнда бошланади.

### ДЕБЮТ МАҒЛУБИЯТДАН БОШЛАНДИ

***Бирлашган Араб Амирликлари ўйингоҳида ўтаётган футбол бўйича ёшлар жаҳон чемпионатини ўзбекистонлик спортчилар мағлубият билан бошлашди.***

Мали термаси билан кечган ўйинни вакилларимиз анча кўтаринки, хужумкор руҳда ўтказишди. Сўнгги дақиқалардагина ҳимоячиларимиз йўл қўйган қўпол хато эвазига қора қитъа футболчилари тўп киритиб, 3:2 ҳисобида ғолиб чиқишди.

Биринчилик мезбонлари ҳам словаклар билан ўтган дастлабки учрашувда аянчли мағлубият аламини тотиб кўришди. БАА футболчиларига жонажон "девор"лари-ю, кўп минг сонли мухлислари ҳам ёрдам беролмади. Аксинча, Словакия ёшлар термаси салмоқли ўйин кўрсатиб, йирик 4:1 ҳисобида устун келди.

Ўзбекистон терма жамоасининг навбатдаги рақиблари – Аргентина ва Испания терма жамоалари учрашувида лотин америкаликлар 2:1 ҳисобида ғолиб бўлишди. Биринчи турнинг қолган натижалари қуйидагича:

**Панама – Буркина Фасо 0:1**
**Бразилия – Канада 2:0**
**Чехия – Австрия 1:1**
**Япония – Англия 1:0**
**Саудия Арабистони – Ирландия 1:2**
**Мексика – Кот д"Ивуар 0:1**
**Парагвай – АҚШ 1:3**
**Жанубий Корея – Германия 2:0**

2-тур баҳслари эса кеча бўлиб ўтди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

## МОЗИЙ

***Урганч шаҳрида яшовчи Абдулла Юсуповни ҳақиқий тарихчи дейиш мумкин. Унинг коллекциясидан XIX аср охири ва XX аср бошларига оид фото, киноасарлар ва турли ҳужжат, матбуот нашрларини топиш мумкин. Абдулла ака Ўрта Осиёдаги биринчи фотограф ва кинооператор Худойберган Девонов ишининг давомчисидир.***

# БИРИНЧИ КИНООПЕРАТОР

-Отам Юсуфбой Ҳасанов фото ва кинога қизиққанлиги боис тоғаси Худойберган Девоновга шогирд тушади. Бу пайтда Девоновнинг икки фарзанди вафот этиб, бироз қийналган. Шу туфайли Юсуфбойни оиласига олиб келади. Устоз ва шогирд кундузлари фотосуратга тушириш, кинога олиш билан банд бўлганлар.

Худойберган Девонов ва Юсуфбой Ҳасановлар Хоразмнинг ҳаёт тарзи, ўзига хос хусусиятларини фото ва киноасарларга муҳрлаб қолдиришган. Улар давр алғов-далғовлари билан боғлиқ кўплаб тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлишган. 1934 йилда эса Урганчга кўчиб ўтишади. Урганчда ҳам улар фото ва кино ҳунари билан шуғулланишади.

-Ҳаваскорларнинг "Қорув", "Деҳқон", "Биринчи трактор", "Тўй" сингари юзлаб фотолавҳалари ўша давр руҳини эсга солади. Худойберган Девоновнинг 1937 йилда қамалиши, 1938 йил 4 октябрда халқ душмани сифатида отиб юборилишидан сўнг кўплаб фотокиноҳужжатлар Юсуфбой Ҳасановда қолиб кетади. У устози ишини узоқ йиллар давом эттиради.

Абдулла Юсупов Хоразм телевидениесида ассистент ва оператор сифатида фаолият кўрсатган бўлиб, ҳозир нафақада. У киши умр бўйи Худойберган Девонов меросини ўрганиш ва тўплаш билан шуғулланди. Унинг бу борада ёзган мақолалари ўзимизда ва Россия, Франциядаги нашрларда чоп этилган. Ўғли Худойберган Юсупов айни пайтда бобоси Худойберган Девонов ишини давом эттириб, Москвадаги киностудияларнинг бирида режиссёрлик қилмоқда.

-Худойберган Девонов ижодий мероси тадқиқотларга муҳтож. Келгуси йили унинг таваллудининг 125 йиллиги бўлади. Аммо уни кенг нишонлаш режалаштирилгани йўқ. У киши яратган асарлар кўргазмасини ташкил қилиш, уй-музейини барпо этиш, ҳаёти ва ижодини тарғиб қилувчи китоб ва киноасарлар яратиш келгуси авлодларга қоладиган кўринади, - дейди Абдулла Юсупов умидсизлик билан.

**Умид БЕКМУҲАММАД,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ХИЗР – ЯШИЛЛИК ДЕМАК

ҚАДРИЯТ

***Халқимиз орасида Хўжаи Хизр ҳақидаги ривоятлар жуда кенг тарқалгани маълум. Кекса отахон ва онахонларимиз фарзандларини дуо қилишганда "Илоҳо, Хўжаи Хизр бувам қўлласинлар", деб тилак билдиришади.***

Айтишларича, Хўжаи Хизр дунёни кезиб юрар, у фақат имон-эътиқодли, дили пок одамларга йўлиқаркан, унинг назари тушган одам эса бахтли бўларкан, иши юришаркан. "Агар Хўжаи Хизрнинг назари тушмаса мол бозорга даллол ҳам бўлиш қийин", деган матални ҳам эшитганим бор. Яна қишлоғимизда қўл олиб сўрашганда кишининг бош бармоғини сиқиб қўядиган одамларни ҳам биламан. Эмишки, Хўжаи Хизрнинг бош бармоғи суяксиз бўлиб, уни ана шу белги орқали таниб олиш мумкин эмиш.

Булар – афсонавий табаррук инсон ҳақидаги кўрган-эшитганларим. Буюк аждодимиз Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузийнинг "Қиссаси Рабғузий" асарида Хизр ҳақида икки жойда ҳикоя қилинади, Бирида у доно, билимдон алвиё сифатида нақл этилди, пайғамбар Мусо алайҳиссалом ундан билим ва фавқулодда инсоний хислатларни ўрганади. Иккинчи ҳикояда эса бу зот ҳақида шундай дейилади:

"Хизр маъниси яшил бўлур. Қаю тош уза Хизр алайҳиссалом ўлтурса ул ер кўкарур эрди. Баъзилар айдилар, яловоч эрмас, солиҳ, муслиҳ эрди. Тағи сайрамлиғ. Бани Исроилда улғарди. Мангу суйин ичиб тирик қолди".

Бу маълумотларни ўқиб ҳайратдан ёқамни ушлайман: Хўжаи Хизр бизнинг ҳамюртимиз – сайрамлик эканлар. Яна қаерга борса шу ерни яшнатган, тоғу тошларга, саҳроларга яшиллик бахш этган эканлар. Демак, дарахт экиш, уруғ сочиб ер юзини яшнатиш шу зотдан қолган экан-да? Бу – ота-боболаримизнинг биз – авлодларига: "Тер тўкиб меҳнат қилиб ер юзини яшнат, шундагина ўлмайсан, номинг ўчмасдан абадий қолади", - деган буюк насиҳати, табаррук васияти эмасми?

Азиз ўқувчи, ҳеч қачон эсдан чиқарманг – Хизрнинг маъниси – яшиллик деганидир. Ер юзини яшнатинг, табиатни асранг, бундан ортиқ савоб иш йўқ. Ана шундагина мангуликка дахлдор бўласиз!

### ЛУҚМОННИНГ БУҒДОЙ ЎРНИГА АРПА ЭККАНИ

"Қисаси Рамбғузий"да кўплаб пайғамбарлар қаторида Луқмони ҳаким тўғрисида ҳам бир ҳикоя келтириб ўтилади. Луқмон асли кўримсиз бир ҳабаший қул экан. Аммо дили поклигидан ҳаққа етишган экан. Яратган парвардигор унга икки фариштани юбориб "Эй, Луқмон, сенга хоҳласанг пайғамбарлик, хоҳласанг ҳикмат берайин. Қайси бирини танлайсан?" – деб сўрабди. Ўшанда Луқмон ҳикматни танлаган экан. Шу-шу унинг ҳикматлари, масаллари эл орасида машҳур бўлиб кетган. Ҳаттоки пайғамбарлар ҳам унинг ҳикматларига эҳтиёж сезганлар.

Ҳикоятда айтилишича, бир кун Луқмоннинг хўжаси унга буғдой экишни буюрибди. Луқмон бориб арпа экибди. Хўжаси буни сўрабди. "Сенга буғдой эк, деган эдим, нега арпа экдинг?" "Арпа экса буғдой унмайдими?" – дебди жавобан Луқмон. "Йўқ, унмайди" – дебди хўжаси. Шунда Луқмон хўжасига: "Ундай бўлса сен ҳам ёмонлик уруғини экиб, яхшилик ҳосилидан умид қилмагин" – деган экан.

**Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ**

# ТАЪЗИРИНИ ЕГАН "ҲОЖИ"

(Боши 1-бетда)

-Ўғлим (ёки ука), Теракмозордан экансиз, у ерда қадрдонларим - ҳожилар яшайди. Ўзим Бобур маҳалласиданман.

-Яхши, ҳожи ака, хуш келибсиз.

-Битта кичкинагина илтимосимиз бор эди-да.

-Бажонидил, айтинг, қўлимдан келса бажарай.

-Шу, йигирматача ҳожини айтиб Марғилонсойдаги чойхонада ош қилиб бермоқчийдим. Шунга ош харажатини, қанд-қурс, мева-чева, қолаверса минерал сувгача олдим. Фақат нонга пул етмай қолди-да. Ёрдам бериб юборинг.

-Ҳожи ака, қанча нон кетади ўзи?

-Йигирмата одамга қанча кетарди. Бирон ўттизта-да. Юз сўмлигидан олсам атиги уч минг сўм бўлади.

Шу гапдан сўнг савобгарчилик, қолаверса, ҳожи акани хафа қилмаслик учун ўша "арзимаган уч минг сўм"ни қуртдек санаб беришарди. Уни олган "Олим ҳожи" қайта-қайта "албатта Марғилонсойга ошга ўтинглар-а", деб чиқиб кетарди. Бир юришда у шу тариқа тўрт-бешта идорани овларкан.

Бир куни Олим ҳожи "Ўзсаламан" қўшма корхонасининг касаба уюшмаси раисини "отиб" чиқиб кетади. Эртасига касабақўм Қобилжон директор Қодиржон Аюповдан "Мени ҳожи ошига айтишган, Марғилонсойга тушда бормасам бўлмайди" деб рухсат сўраганда раҳбар:

-Э-э, анови "Олим ҳожи"нинг ошигами, бораверинг. Мен ҳам у кишининг Сармозор, Оқариқ маҳаллаларида, Марғилондаги Ўрам чойхонасида қилиб берган ошини еганман. Бошқалар ҳам ейишган, - дейди кулимсираб.

Шу гапдан кейин касабақўм Қобилжон "Олим ҳожи"ни шармандасини чиқариш пайига тушади. Уни қидириб юриб ниҳоят бозор ичида ҳожилик номини сотиб, насияга чой олаётганда топади.

-Олимбой ҳожи ака, сизни кўриб хурсанд бўлдим-да. Кечирасиз-у, ошга боролмадим, узр. Эртага кечки олтида Марғилонсойдаги чойхонада маҳалламиз ҳожиларига ош қилиб беряпман, борасиз-а, - дейди Қобилжон.

-Ўзи эртага қариндошимиз худойига айтган эди-ю, майли кўнглингиз қолмасин, албатта бораман, - деб жавоб беради "Олим ҳожи".

Эртасига кечки олтида айтилган чойхонага борган "Олим ҳожи" у ерда ўтирган йигирма нафар ўзи доимо чув тушириб юрадиган корхона, ташкилотларнинг раҳбарлари, муовинларини кўрди. Шартта қочиб қолмоқчи бўлганда Қобилжон уни маҳкам қўлидан ушлаб даврага ўтқазди.

-Нима ҳақида гаплашаётганимизни биласизми, Олим ҳожи тоға? - дейди илмоқли савол ташлаб Қобилжон.

-Нима ҳақда? - қип-қизариб, кўзини ердан узолмай сўрайди Олим ҳожи.

-Баъзи инсоф-диёнатини ютган, мартабасини сотиб ёлғон гапириб юрадиган сохта ҳожилар ҳақида. Ахир бешбolalik Тўлаган тоға экансиз-ку. Учта ўғлингиз бор экан. Ҳаммани алдаб юргани уялмайсизми?

"Олим ҳожи" шу ерда иккинчи бунақанги товламачилик қилмасликка сўз беради. Уни муҳокама қилиб, таъзирини беришганининг яна бир фойдали томони бўлибди. Яъни, ўша воқеани эшитиб, унга ўхшаган яна бир нечта сохта "ҳожи ака"ларнинг ҳам бу одатлари барҳам топибди.

**Жаҳонгир ХОЛИҚОВ**



Б.АКРАМОВ олган сурат.

Сандиқсозлар.

# АСЛ ХУРМО ҚАЙСИНИСИ?

***Хурмонинг биз билган икки тури мавжуд. Бири муборак рўзаи Рамазонда севиб истеъмол қилинадигани бўлса, иккинчиси олмага ўхшаш катталикдаги хурмодир. Аслида қайси бири асл хурмо?***

Кўриниши ўзимизнинг чилон жийдани эслатувчи қўнғир тусли, сершира, ёпишқоқ, халқимиз ҳам қадимдан "хурмо" номи билан атаб келаётган мева ботаникага оид китобларда ҳам "хурмо", баъзан эса "финик" деб аталган. Аслида эса бу кўпчиликка маълум бўлган тропик ўлкаларда ўсувчи финик палмасининг мевасидир. Палманинг ер юзида 1200 дан зиёд тури мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти Африка, Жанубий Америка, Ўрта ер денгизи бўйларидаги мамлакатларда тарқалган. Бизда эса палманинг фақатгина баъзи турлари хоналарда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

Финик палмаси (илмий номи "феникс") Шимолий Африка, Арабистон ярим ороли, Жанубий Эрон, Афғонистон, Покистонда ўстирилади. Ҳозирда у ёввойи ҳолда учрамайди. Маълумотларга қараганда, палманинг бу тури Финикия мамлакатида кенг тарқалган бўлиб, унинг меваси билан илк бор финикияликлар савдо-сотиқ қилганлар. Бундан икки минг йил муқаддам Испанияга олиб келганлар. Кейинчалик финикия палмаси номи вақт ўтиши билан "финик"ка айланиб қолган бўлиши мумкин. 5-6 йилдан кейин ҳосил бера бошлайдиган, бўйи 35-40 метргача етадиган финик палмасининг серҳосил навлари эндиликда кўплаб тропик иқлимли мамлакатларда ўстирилмоқда. У 100-120 йил умр кўради. Гуллаши май ойидан октябргача давом этади. Палманинг чангланиши сунъий равишда ўтказилади. Яъни, "эркак" тупининг гуллаган шохчалари "урғочи" дарахт гуллари устига боғлаб қўйилади. Маълумотларга кўра, Мисрда финик палмаси июл ойи охирида гулга кирса, Саҳрои Кабирда бу жараён октябр ойи бошларида бўларкан. 20 ёшли палманинг бир тупи 100-250 килограммгача ҳосил беради.

Африка саҳроларида финик палмаси ерли аҳоли учун асосий озуқа ҳисобланади. Маълумотларга кўра, у жойларнинг жазирама табиатида ҳаёт финик палмасининг тўйимли меваси туфайли давом этмоқда. Қуритилган меваси икки йилгача зарарланмай сақланади. Унга сут, мой, гўшт ва ун қўшиб, турли таомлар тайёрланади. Пишиб етилган мевасидан сиқиб олинган шира асал ўрнида ишлатилади. Палма дарахти кексайгач, (тахминан 100 ёшда), унинг танаси ўйилиб, найча ўрнатилади-да, ундан оқиб чиққан шира махсус идишларга қуйиб олинади. Араблар бу мазали ширани "лакби", деб аташади. Ачитилган лакби аввал мусалласга, сўнгра сиркага айланади. Қарангки, финикнинг данаги ҳам ташлаб юборилмас экан. Чунки данак қовурилиб, қаҳвага қўшилса, кунжарасимон қолдиғи эса уй ҳайвонлари учун озуқа ҳисобланаркан.

**БИЛАСИЗМИ?**

Палма толасидан дастурхон, пардалар тўқилади ва шолчалар тайёрланади, биллиард таёқчалари (кий) ва соябонлар учун даста тайёрланади. Мевасидан мой, крахмал, спирт олинади. Арека номли палмадан ажратиб олинган "ареколин" деб аталувчи "алкалоид" табобатда ичакдаги гижжаларни туширишда қўлланилади.

Палманинг кокос палмаси, мой палмаси, шакар-қанд палмаси, қалам (ротанг-тропик ўрмонларда арқон каби осилган) палмаси, ўрмон ва сага палмалари каби турлари ер юзининг тропик минтақаларида қалин ўрмон ҳосил қилади.

Шарқ табобати алломалари Абу Бакр Розий, Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийлар ҳам ўз асарларида финик ҳақида (уларнинг китобларида ҳам кўпроқ "хурмо" деб юритилган) маълумот берар эканлар, унинг дориворлик хусусияти ҳамда қандай хасталикларга даво эканлиги ҳақида ёзадилар.

Кеч кузакда бозор пештахталарида уюб қўйилган сариқ рангли мева асл хурмо бўлиб, ботаникага оид луғатларда "савсан" дейилади. Хурмонинг 500 дан зиёд тури мавжуд бўлиб, ёввойи ҳолда асосан Африка, Шимолий Америка, Хитой, Кавказ ва Ўрта Осиёда тарқалган. Хурмонинг турлари кўп бўлгани билан экиб ўстириладиган турлари фақатгина 20 га яқин бўлиб, асосан унинг уч тури – кавказ хурмоси, шарқ хурмоси ва виргиния хурмоси бошқаларга нисбатан кўпроқ экилади.

Хурмонинг мевасидан кўра унинг ёғочи бебаҳо ҳисобланиб, рангига кўра у "қора дарахт" номи билан машҳур. Ёғочи пўлатдай маҳкам бўлганлиги туфайли мисрликлар уни омочга тиш ўрнида ишлатганлар. Ҳатто Миср фиръавнлари тобути хурмо дарахти тахтасидан тайёрланган. Шу боис хурмо дарахтининг ёғочи ўша кезларда олтин баҳосига тенг бўлган.

Хурмонинг меваси таркибида қанд, олма кислотаси, пектин моддаси мавжуд. Унинг баргидан табобатда қон тўхтатувчи восита сифатида фойдаланилади.

Халқимизда хурмо номи билан аталиб келинаётган бу икки мева – финик палмаси ва хурмо (савсан) узоқ йиллар дастурхонимиз кўрки бўлиб қолиши, шубҳасиз.

**Каримжон ТОЙЖОНОВ,**
**биология фанлари доктори.**

Тошкент Давлат аграр университети жамоаси чет тиллар кафедраси ўқитувчиси Махфират Нурматовага волидаи муҳтарамаси

**ҚОДИРОВА Каромат ЭРГАШ** қизининг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Газетанинг навбатдаги сони 6 декабр, шанба куни чиқади.**

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83 (факс):133-09-93. (факс):133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-64-461; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган – 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: С.РАХМОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-0021, ҳажми 2 босма табоқ,

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com